

# **“Зўравонликсиз - баҳтли ҳаёт тарафдоримиз” мавзусида тадбир ўтказилди**



Бугун юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оиласвий ажримлар, оиласда зўравонлик, тазиқларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Термиз туманидаги “Наврӯз” маҳалласи худудида жойлашган ижтимоий мослашув маслаҳатхонасида “Зўравонликсиз - баҳтли ҳаёт тарафдоримиз” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази Сурхондарё вилоят худудий бўлими директори Мамлакат Ҳафизова ва Термиз туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Маърифат Расуловалар иштирок этишди. Тадбирда турли тазиқ ва зўравонликдан жабр қўрган хотин-қизларга руҳий, психолого-хуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида маълумот берилиб, хотин-қизларнинг бу борадаги муаммоли мурожаатларга атрофлича жавоблар берилди.

Шунингдек, тадбир давомида атроф туманлардаги аёлларнинг ижтимоий-психолого-хуқуқий муаммоларини ҳал этиш борасида муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.